



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2020. -№ 1(1).  
ISSN: 2181-1342 (Online)  
<https://scienceproblems.uz>

Юридик фанлар

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА  
ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**ю.ф.д., доц. Зулфиқоров Шерзод Хуррамович**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти  
доценти

**ВОПРОСЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЕПУТАТОВ В КОМИТЕТАХ И КОМИССИЯХ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЫ**

**д.ю.н., доц. Зулфикаров Шерзод Хуррамович**

Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан

**ISSUES OF FURTHER IMPROVING THE ACTIVITIES OF DEPUTIES IN  
COMMITTEES AND COMMISSIONS OF THE LEGISLATIVE CHAMBER**

**Zulfikarov Sherzod, Associate Professor, PhD in Law**

National guard of the Republic of Uzbekistan Military and technical institute

[zulfiqorov.sherzod@mail.ru](mailto:zulfiqorov.sherzod@mail.ru)

*Иқтибос келтириш учун / For citation / Для цитирования:*

Зулфиқоров Ш.Х. Қонунчилик Палатаси қўмиита ва комиссияларида депутатлар фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – 2020. – № 1(1). – Б. 125–137. <https://doi.org/10.47390/A1342112020N15>

*Аннотация.* Мазкур мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиита ва комиссиялар фаолиятини ташиқил этиши, унда депутатларнинг иштироки, депутатларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариши, қўмиита ва комиссияларни шакллантириш тартиби, хорижий мамлакатларда қўмиита ва комиссиялар фаолияти тажрибасига доир тақлиф ва тавсиялар ёритиб берилган.

*Калит сўзлар:* ҳуқуқий мақом, ҳуқуқ ва мажбурият, қўмиита ва комиссиялар, аъзолар, кафолат

**Аннотация.** В данной статье описываются предложения и рекомендации по деятельности комитетов и комиссий Законодательной палаты Олий Мажлиса, участию депутатов, правам и обязанностям депутатов, формированию комитетов и комиссий, опыту работы комитетов и комиссий в зарубежных странах.

**Ключевые слова:** правовой статус, права и обязанности, комитеты и комиссии, члены, гарантия

**Abstract.** This article describes the proposals and recommendations on the activities of committees and commissions of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis, the participation of deputies, the rights and duties of deputies, the formation of committees and commissions, the experience of committees and commissions in foreign countries.

**Keywords:** legal status, rights and obligations, committees and commissions, members, guarantee

DOI: 10.47390/A1342112020N15

Депутатнинг вакиллик органи фаолиятидаги иштирокининг муҳим шакли, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширадиган доимий кўмиталар ва комиссиялардаги фаолияти ҳисобланади. Кўмиталар ва комиссиялар парламентнинг ташкилий, ёрдамчи, тайёрлов, қонунчилик, назорат органлари бўлиб, унга зарур ёрдам кўрсатишга хизмат қилувчи ички тузилмадир

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатларини тизимли ҳамда самарали амалга оширишини, палата кўмиталари ҳамда комиссияларсиз тасаввур қилиш қийин. Халқ вакилларининг асосий фаолияти ҳам бевосита кўмита ва комиссияларда амалга оширилади.

Француз ҳуқуқшуноси П.Локк парламент ишини айсберг билан таққослаганлиги тасодиф эмас, чунки парламентнинг оммавий йиғилишлари фақат унинг кўринадиган, юзаки қисми деб таъкидлайди. Улар парламентдаги кўпчилик ва ҳуқумат доимий комиссияларда қабул қилиниши керак бўлган қонунчилик қоидаларини келишиб олгандан сўнг, улар жамоатчилик учун ўйналган нарса сифатида қаралиши керак[1; С.170.].

Юридик фанлар доктори А.Т Карасевнинг эътирофича, мазкур баёнот ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Буни тўртинчи чақириқ Федерал Мажлис Давлат Думаси фаолияти ҳам тасдиқлаши мумкин, бунда кўплаб қонун лойиҳалари бир вақтнинг ўзида учта ўқишда кўриб чиқилиб, Давлат Думасининг ялпи мажлисида жиддий муҳокамасиз қабул қилинади. Россия Федерациясида кўмита ва комиссияларнинг ҳуқуқий ҳолати, биринчи навбатда, Россия Федерацияси Конституцияси билан белгиланади. Россия Федерацияси Конституциясининг 101-моддасида Давлат Думаси ўз депутатлари орасидан кўмиталар ва комиссияларни тузади. Бундан ташқари, кўмиталар таркиби

“амалда ҳар доим ҳам эмас”, Давлат Думасининг функциялари ва ваколатларига мослаштирилиши керак[2; С.143.].

Доимий кўмиталар (комиссиялар) нинг ҳуқуқий ҳолати, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг ваколатлари ва иштирок этиш шакллари, вакиллик органларининг регламентлари, тегишли Низомлар билан тартибга солинади. Кўмиталар ва комиссиялар ҳокимият вакиллик органларининг таркибий қисмлари ҳисобланади, шунинг учун вакиллик органларининг ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун улар ушбу органларнинг ваколатлари даврида тузилади.

Кўплаб давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, кўмиталар ва комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилар: бюджет, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режалари ва дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш; ваколатли орган йиғилишларида қарор лойиҳаларини кўриб чиқишга тайёрлаш; вакиллик органи қарорларининг бажарилишини назорат қилиш; парламент текширувларини ўтказиш; оммавий ахборот воситалари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқалар киради.

Таъкидлаш керакки, кўмиталар ва комиссиялар учта асосий функцияни бажаради: тайёргарлик, ташкилий ва назорат. Барча функциялар доимий кўмиталар ва комиссияларни ташкил этиш ва ишлаши учун зарурдир. Уларни амалга оширган ҳолда доимий кўмиталар ва комиссиялар депутатлар ишлайдиган қуйидаги фаолият турларидан фойдаланадилар: а) кўмита (комиссия) мажлисларида қатнашиш; б) доимий комиссия (комиссия) раҳбарларининг вазифаларини бажариш; в) кўмиталар (комиссиялар) ишчи гуруҳларидаги фаолият; г) вакиллик органи йиғилишида доимий комиссия (комиссия) номидан ҳисобот (қўшма ҳисобот) тузиш [3; С.249.].

Ушбу шаклларнинг барчаси индивидуал ёки жамоавий бўлиши мумкин, аммо ҳар ҳолда, ушбу шакллар доирасида депутат муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаради. Умуман олганда, қуйидаги ҳуқуқларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) кўмита (комиссия) мажлисида муҳокама қилинадиган масалаларни таклиф қилиш; б) муҳокама қилинаётган масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш, ушбу масалалар бўйича шарҳлар, таклифлар бериш; в) кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз бериш; г) тегишли идоралар, нодавлат ташкилотлари фаолиятини текширишларни ўтказиш зарурати тўғрисида таклифлар киритиш, ушбу текширишларни ўтказишда ва уларнинг натижаларини кўмита (комиссия) мажлисида муҳокама қилишда қатнашиш; д) вакиллик органи томонидан кўрсатилган, сайланган ёки тасдиқланган номзодларни муҳокама қилишда қатнашиш; е) вакиллик органи

томонидан қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилиш учун киритиш ва бошқа таклифларни киритиш.

Ҳуқуқлар билан бир қаторда, қўмита ва комиссияда фаолият юритувчи депутат ҳам тегишил мажбуриятларга эга бўлади. Қўмита ва комиссиялар йиғилишида қатнашиш уларнинг энг асосий мажбуриятларидан ҳисобланади. Мажлисида узрли сабаб билан қатнашишнинг иложи бўлмаса, депутат қўмита ва комиссия раисини хабардор қилиши шарт. Бу тажриба аксар хорижий мамлакатлар парламент тажрибаларида учрайдиган ҳолат ҳисобланади.

Афсуски, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доимий равишда, узрли сабабларга кўра доимий қўмита (комиссия) йиғилишида бўлмаган депутатларга нисбатан самарали чораларни қўллашни кўзда тутмайди. Қўмита (комиссия) вакили вакиллик органининг йиғилишида муайян депутат доимий қўмита (комиссия) ишини эътиборсиз қолдирганлиги тўғрисида депутатларга хабар бериши мумкин. Аммо бундай чора самарали бўлиши даргумон. Албатта, депутат бу ҳолатда у кейинги сайловда у ёки бошқа сиёсий партия томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхатига киритилмаслиги мумкинлигини билади[4; С.146.].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра , қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

**2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ,** “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, қонунга тегишили ўзгартириш киритилиб, Қонунчилик палатасида қоида тариқасида ўн битта қўмита тузилиши белгилаб қўйилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 17-моддасига кўра, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб, палата томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит қарор билан белгиланади. Қонунчилик палатаси таркибида қоида тариқасида, ўн биттагача қўмита тузилиши мумкин. Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимларига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифларни депутатлар бирлашмаларининг раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда киритадилар.

Мазкур қоидадан келиб чиқиб, баъзи ҳолатларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси аъзолари ўз мутахассислиги, фаолият йўналиши билан боғлиқ бўлмаган қўмиталарга аъзо бўлиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Шу мақсадда қўмита таркибини шакллантиришда маълум мезонлар асоси белигланиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мисол тариқасида, диплом бўйича мутахассислиги, эркин билдирган хоҳиш- иродаси, ишлаган жойи, амалий кўникмаси, ҳаётий тажриба каби ҳолатларга эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, тегишли қонунларимизда ҳам мазкур мезонларни мустаҳкамлаб қўйиш лозим.

АҚШда Конгресс қуйи палатаси доимий қўматларга аъзо бўлиш учун қуйидаги тартиб амалда бўлади. Сайловлардан кейин Вакиллар палатаси аъзоси ўзи сайланган фракциялари орқали сиёсий қўмита ўз иш стажини ва Конгрессда фаолият олиб бориш хусусиятини кўрстаган бўйича ҳолда ёзма мурожаат қилади. Шу орқали сиёсий қўмита раис ва аъзолар номзодларини доимий қўмиталарга танлаб оладилар. Танланган номзодлар сиёсий партиялар конференцияси(кокус)да маъқуллаш учун юбрилади ҳамда палатанинг биринчи йиғилишда тасдиқланади. Доимий қўмиталар ойда камида бир марта ўз мажлисларни ўтказадилар. Қўмиталарнинг навбатдан ташқари мажлислари қўмита раиси ва белгиланган талаблар бўйича ўтказилиши мумкин. Буюк Британияда қўмита депутатлари қонун лойиҳаларини моддама - модда муҳокама қилишда доимий иштирок этиш, тегишли моддалар бўйича ўз таклифларини бериши, қонун лойилари бўйича янги моддаларни қабул қилиш, суриштирув жараёнларида бевосита иштирок этиш, палаталарда маърузалар билан чиқиш каби ҳуқуқлардан фойдаланади[5; С.28, 79].

Таниқли олим В. Вильсон бундан юз йил муқаддам АҚШ Конгрессининг фаолиятида қўмиталарнинг ролига шундай таъриф берган эди: “Сессиядаги конгресс – кўргазмага қўйилган конгресс; қўмиталардаги конгресс – ишчи конгресс”. Парламент қўмиталари ва комиссияларининг ролига берилган мазкур баҳолар парламент ишининг моҳиятини акс эттиради. Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари, бошқа масалалар юзасидан парламент аъзолари, партия фракциялари, ҳукумат вакиллари ўртасида келишувга (қўпинча) айнан

қўмиталарда келинадика, бу муайян қонун лойиҳасининг тақдирини кўп жихатдан белгилайди[6; С. 497.].

Э. Х. Халиловнинг таъкидлаб ўтишича, фракция ва блоклар депутатнинг номзодини Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларига кўрсатаётганларида, депутатнинг касбий ва бошқа қизиқишларини, унинг меҳнат ва ҳаётий тажрибасини, шунингдек, эркин билдирган хоҳиш- иродасини ҳисобга олади[7; Б.182.].

Таъкидлаш лозимки, депутатнинг қўмита ёки комиссияга аъзо бўлиши депутатнинг қонунчилик фаолиятининг муайян соҳаси билан шуғулланиши ва унинг ушбу соҳа бўйича ихтисослашуви заруратини келтириб чиқаради. Аммо, Қонунчилик палатаси депутатларининг қўмита ва комиссиялари таркибидаги фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Маълумки, қўмита ва комиссиялар фаолияти масаласи бўйича Қонунчилик палатаси, Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисидаги қонунлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ички Регламентлари мавжуд, аммо, алоҳида қўмита ва комиссиялар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжати мавжуд эмас. Ушбу муаммони ечиш учун “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита ва комиссияларининг фаолияти тўғрисида”ги янги низом ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Амалиётдан маълумки, ҳозирги замон парламентларида ҳеч бир қонун тўғридан-тўғри қабул қилинмайди. Қонун лойиҳаси қўмита ва комиссия каби ташкилий-институциявий тузилмаларда албатта синовдан ўтади. Шу сабабли ҳам Олий Мажлиснинг кўп қиррали ва мураккаб фаолиятида қўмита ва комиссиялар муҳим ўрин тутаяди. Қонунчилик палатаси депутатларининг қўмита ва комиссиялардаги ижобий фаолиятлари улар ваколатлари механизмнинг такомиллашувига олиб келади.

Қўмита ва комиссиялар фаолияти билан боғлиқ бўлган амалдаги қонун ҳужжатларимизда қўмита депутатларининг фаолият шакллари белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мисол тариқасида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатларнинг қўмиталарда олиб борадиган фаолият шакллари қуйидаги кўринишларда ифодалашимиз мумкин: 1) Қўмиталар мажлисларида иштирок этиши; 2) Маҳаллий кенгашлар доимий комиссиялар фаолиятида иштирок этиши; 3) Жойларда қонунларнинг ижросини назорат қилишдаги иштироки; 4) Қўмита раиси, ўринбосарларининг топшириқларини бажаришдаги мажбурияти; 5) депутатларнинг қўмиталар ҳузуридаги ишчи гуруҳлар фаолиятидаги иштироки; 6) депутатларнинг қўмиталар томонидан ташкил этиладиган сиёсий, ҳуқуқий тадбирлардаги иштироки

Амалдаги қонун ҳужжатларимизда, қонунчилик палатасида ташкил этиладиган қўмиталар аъзоларининг сони аниқ белгилаб қўйилмаган. Бизнингча, қўмиталар аъзолари сони кўрсатилиши қўмиталарни шакллантиришда, уларнинг фаолиятини белгилаб олишда, тенглик принципини таъминлашда ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди.

Масалан, Россия Федерацияси Давлат Думасида қўмита аъзоларининг сони энг камида 15 ва кўпи билан 35 депутатдан иборат, Япония Вакиллар палатаси қўмитасида 20 тадан 50 тагача, Мексика парламентининг қўйи палатаси қўмитасида 15 депутат, Испанияда ҳар икки палатадан 21 та депутат қўмиталарни ташкил этади[8; Б.44.].

Парламент аъзоларига ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар юзасидан муайян қарорлар қабул қилинишидан манфаатдор бўлган таъсир гуруҳлари (лоббистлар) ҳам таъсир кўрсатишларини эътиборга олиш лозим. Лоббистлар парламент қўмитаси ёки комиссиясида муайян масалани кўриб чиқиш ва ҳал қилишда парламент аъзоларининг қарашларига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилаётган корпорациялар, фирмалар, банклар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари дир. Бир қатор мамлакатларда профессионал лоббистлар фаолият кўрсатади, уларнинг фаолияти махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади (масалан, АҚШда лоббизмни тартибга солиш тўғрисидаги махсус қонун амал қилади). Лоббизм ўзининг АҚШ, Германия, Буюк Британия ва бошқа мамла-катлардаги кўринишида икки асосий жиҳатни: а) монополиялар турли идора ва агентликларининг, авваламбор, қонунчилик органларидаги норасмий фаолиятини; б) қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнига мазкур ташкилотлар томонидан алоҳида монополиялар, корпорациялар ва фирмаларнинг манфаатларида бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатилишини ўз ичига олади[9; С.134.].

Парламентаризм амалиёти унинг ҳозирги шароитларда ривожланиши муайян қонунларни қабул қилиш жараёнига маълум доиралар томонидан таъсир кўрсатилиши муаммосини келтириб чиқариши муқаррар эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам парламентаризмнинг шаклланиш жараёнларида юқорида зикр этилган муаммоларни ўрганиш, маълум тажриба тўпланишига қараб, хориж амалиётидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммоларни қонунчилик йўли билан ҳал қилишга тайёр туриш, қолаверса, қонунчилик жараёнидаги бу таъсирни тартибга солишнинг ўзига хос механизминини ишлаб чиқиш лозим.

Шу нуқтаи назардан, Буюк Британия тажрибаси диққатга сазовор. Таъсир гуруҳлари, лоббистларнинг ташкилотлари билан яқин алоқада бўлган парламент аъзоларининг «шахсий манфаатлари» масаласи Буюк Британия парламенти учун катта аҳамиятга эга. Парламент қоидалари мазкур алоқаларни тақиқламайди,

аммо депутатларнинг юқорида зикр этилган ташкилотлар фойдасига амалга оширган фаолияти ва унинг учун тўланган ҳақ ҳақида палатага маълумот беришни талаб этади. Жамоалар палатаси депутатларининг «манфаатлари»ни мажбурий тартибда рўйхатга олиш белгиланган. Депутат ўзининг парламентдаги хулқ-атвори, унда овоз беришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай моддий манфаатдорлиги ҳақида Жамоалар палатасига ахборот бериши шарт[10; С.98-99.].

Қонунчиликка доир масалаларни тайёрлаш учун Қонунчилик палатаси комиссиясида давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари орасидан ишчи гуруҳ тузилади.

Қўмита ва комиссияларнинг мажлислари тегишли палаталарнинг Регламентларида ўз аксини топади. Жумладан, Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ, қўмиталар мажлислари қоида тарихида ҳар ҳафтанинг жума кунлари ўтказилади. Қонунчилик палатаси депутатларининг қўмита ва комиссиялардаги фаолияти, қонунлар қабул қилинишидаги энг муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Қонун лойиҳаларининг Қонунчилик палатасига келиб тушиши биланоқ маъсул қўмита депутатларининг иши янада фаоллашади.

Қўмиталарда иштирокчиларнинг гуруҳига қараб мажлислар уч хилда ўтказилиши мумкин. Доимий, кенгайтирилган ҳамда қўшма мажлис кўринишида бўлиб ўтиши мумкин. Масалан, домий қўмита йиғилишларида асосан мазкур қўмита аъзолари иштирок этиб, қўмита раиси ўринбосари, аъзоларни сайлаб олинади, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, олдиларида турган вазифлар ҳамда мақсадларни билиб олишади; кенгайтирилган қўмита йиғилишларида депутатлар, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади; қўмиталарнинг қўшма мажлисларида бир нечта қўмита аъзоларининг парламент фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни кўриб чиқишда иштирок этади.

Миллий қонунчилигимизда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қўмиталар ташкил қилинса, бир қанча хорижий мамлакатларда (Япония, Франция, Италия) бу вазифалар комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Россия Федерацияси баъзи субъектларида битта депутат бир вақтнинг ўзида бир неча қўмита аъзоси бўлиши мумкин экан. Масалан, Челябинск вилоятида битта депутат 2 тагача қўмита аъзоси, Курганск вилоятида 2 та қўмита ва битта комиссия аъзоси бўлиши мумкин[11; С.247.].

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш лозимки, кўп ҳолларда депутатлар ўз ваколатлари муддати даврида ўзи сайланган қўмита таркибида домий фаолият



олиб боради. Бироқ, кўплаб давлатлар қонунчилигида депутатнинг бир кўмитадан иккинчи кўмигага ўтишига тўсиқ белгилаб қўйилмаган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуни 7-моддасига кўра, Қонунчилик палатасида бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси, меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси, муҳофаза ва хавфсизлик масалалари кўмитаси, халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси, ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси тузилиши шарт. Қонунчилик палатасида бошқа кўмиталар ҳам тузилиши мумкин.

2015 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритиш орқали Қонунчилик палатаси кўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, ўн биттадан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган. Илгари қоида тариқасида, ўнтадан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, Қонунчилик палатасида соғлиқни сақлаш масалалари бўйича алоҳида кўмига ташкил этиб, унинг аъзолари асосан ҳудудларда фаолият кўрсатса, нур устига нур бўларди, деган масалага алоҳида тўхталиб ўтган эдилар. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари” бўйича алоҳида кўмига ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш, инсонларнинг соғлиғини таъминлаш, бу борадаги тиббий хизматлар сифатини ошириш масалаларига Қуйи палатанинг масъул қилиб белгиланганлиги **депутатлик корпусининг фаолиятига янги муҳим йўналиш** олиб кирди.

Мазкур янги шакллантирилган кўмига фаолиятига тўталадиган бўлсак, 2018 йилдан депутатларнинг ҳудудларда (13 та туман ва 1 та шаҳар) олиб борган фаолияти доирасида биттадан оилавий поликлиника ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси раҳбарларининг **ҳисоботини эшитиш намунавий** тарзда ташкил этилди ҳамда оммалаштирилди. Соғлиқни сақлаш соҳаси устидан, таъсирчан парламент назорати ўрнатилиши натижасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг 15 марта ахборотлари кўмигада эшитилди[12].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Конституция қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузаларида таъкидлаганидек, “Жаҳон тажрибасига назар ташласак, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Болгария, Греция, Латвия, Эстония каби кўплаб

мамлакатларнинг парламентларида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия ва қўмиталар мавжуд. Ана шу илғор хорижий тажрибалар ва Конституциямиз талаблари асосида Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар ташкил қилишни таклиф этаман. Ушбу қўмиталар барча бўғиндаги давлат идораларида коррупцияга қарши курашни янада кучайтиришга вакиллик органи сифатида муносиб ҳисса қўшиши лозим” [13].

Шу аснода, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари” қўмитаси ташки этилди.

Амалдаги қонунларимизда, Қонунчилик палатаси қўмита раиси ўринбосарларининг ваколатлари белгилаб қўйилмаган. Бизнингча, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Регламентда қўмита раиси ўринбосарлари ваколатларини ҳам кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Негаки, қўмита раиси хориж сафарига кетганда, таътилга чиққанида, турли тадбирларда иштиок этганида, ўзининг ҳаётий масалалар билан тўқнаш келганда, қўмита раиси ўрнини билдирмасдан ўринбосарлари ўз ваколатларини амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, қўмита раиси ўринбосари ҳам масъул мансабдор шахс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қонунчилик ҳужжатларимизда уларнинг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш лозим

Парламентлардаги қўмиталар сони, номи ва ваколатларини белгилашда уларнинг фаолияти давлат сиёсатининг барча жабҳаларини қамраб олишидан келиб чиқилади. Бундай ёндашув натижасида хорижий давлатлар парламентлари қўмита ва комиссияларининг сони айтарли даражада салмоқли бўлади. Мисол учун, Япониянинг “Парламент тўғрисида”ги қонунининг 42-моддасига кўра, Маслаҳатчилар палатасида адлия, ташқи сиёсат, молия, маориф, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий маъмурият, ижтимоий муаммолар, меҳнат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва сув хўжалиги, савдо ва саноат, алоқа, транспорт, қурилиш, шунингдек, бюджет, тафтиш, интизомий ва парламентда ишни ташкил этиш масалалари бўйича комиссиялар тузилади. АҚШ Конгрессида палаталарнинг (солиққа тортиш, иқтисод, Конгресс кутубхонаси, нашрлар бўйича) 4 та умумий ва ҳар бирининг таркибида (Сенатда – 16 та, Вакиллар Палатасида – 22 та) кўплаб қўмиталар тузилган [14; С.456].

Италия, Франция ва бошқа давлатларнинг парламентларида ҳам турли комиссиялар тузилади. Бироқ, комиссияларнинг сони қанчалик кўп бўлмасин, улар давлат томонидан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб ололмайдилар. Шунинг учун комиссияларнинг номи уларнинг фаолият соҳаларидан кенгроқ бўлиши мумкин. Мисол учун, қурилиш бўйича комиссиялар нафақат қурилиш, балки ердан фойдаланишни

режалаштириш, картография, топография масалалари билан ҳам шуғулланадилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг энг муҳим тадбирларидан мажлисларига тўхталадиган ўтадиган бўлсак, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари палата мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади. Мазкур мажлисда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари очик ҳамда зарурат ёпиқ мажлис ўтказилиши мумкин. Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан яқунда қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат органларига юборилаётган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши кераклиги белгилаб қўйилган

Юридик фанлар доктори М.Миракуловнинг таъкидлашича, давлат бюджети, давлат дастури ва бошқа йирик режалар лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси бўйича ҳисоботларни парламентнинг фақатгина масъул қўмитасигина эмас, балки барча қўмиталари ўз фаолияти йўналишлари бўйича кўриб чиқишлари, хулосаларини тақдим этишлари парламентнинг ўрни ва таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этади[15; Б.51].

Дарҳақиқат, давлат бюджети масаласи бевосита барча қўмиталарга бирдайн тегишлидир. Шу мақсадда ҳам ҳар бир қўмита ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб, асосли таклифларни берса, албатта бу ўзининг ижобий самарасини беради.

2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарнинг тегишли соҳадаги қонунчиликни ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлаган ҳолда чуқур таҳлил қилишга, шу асосда ундаги мавжуд бўшлиқ ва камчиликларни аниқлашга қаратилган фаолияти жонланди. Хусусан, қўмиталар томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахбороти 285 маротаба эшитилди. Шундан, 2015 йилда -35 та; 2016 йилда – 27 та; 2017 йилда – 33 та; 2018 йилда -53 та; 2019 йилда -137та.

2015 - 2019 йилларда қуйи палатада вазирликлар ва давлат қўмиталари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларида кўрсатилган вазифаларни бажариш ҳамда уларга эришиш бўйича раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш амалиёти жорий этилди. Қўмиталар мажлисларида жами 39 та вазирлик ва давлат қўмиталари раҳбарларининг асосий мезонларда кўрсатилган мақсадли вазифаларни бажариш ҳамда уларга эришиш бўйича ҳар чорақда ҳисоботлари эшитилди.

Қўмиталар томонидан ўтган даврда жами 171 та қонун ва қонуности ҳужжатининг ижро этилиши ҳолати бўйича ҳудудларда ўрганишлар ўтказилди. Ушбу назорат-таҳлил тадбирларининг яқунларидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қабул қилинган қарорлар ижро ҳоқимияти органларига юборилди. Шундан, 2015 йилда -22 та; 2016 йилда - 35 та; 2017 йилда - 31 та; 2018 йилда -49 та; 2019 йилда -34та[16].

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш лозимки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган қўмиталар қонун ижодкорлиги жараёнида, парламент назоратини амалга оширишда энг асосий ишчи орган ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қўмиталар фаолияти билан боғлиқ бўлагн қонунчилик ҳужжатларимизни янада такомиллаштиришимиз, улар фаолиятига зарурий ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиб беришимиз лозим.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Кокотов А. Н. Конституционное право России Курс лекций. М. 2006. С. 170.
2. Карасев А.Т. Депутат в системе представительной власти (конституционно-правовое исследование): Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 2009. С.143.
3. Нудненко Л.А Конституционно–правовой статус депутата законодательного органа государственной власти в Российской Федерации. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004.– С.249.
4. Карасев А.Т. Депутат в системе представительной власти (конституционно-правовое исследование): Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 2009. С.146.
5. Депутат парламента в зарубежных государствах . - М.: Юрид.лит., 1995. - С.28, 79.
6. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: В 4 т. Тома 1-2. Часть общая: Учебник/ Отв. ред. проф. Б.А. Страшун. – 3-е изд. – М., 1999, С. 497.

7. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.– Б.182.
8. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.– Б.44.
9. Любимов А.П. Парламентское право России. – М.: Маркетинг, 2002. – С.134.
10. Парламенты мира. – М.: Интерпракс, 1991. – С.98–99.
11. Нудненко Л.А. Конституционно–правовой статус депутата законодательного органа государственной власти в Российской Федерации. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004.– С.247.
12. [https:// www.parliament.uz](https://www.parliament.uz).
13. [https:// www.prezident.uz](https://www.prezident.uz).
14. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. Москва “Бек”. 1 – 2.- М., 1996, С. 456.
15. Миракулов М. Парламент: унинг роли қандай кучайтирилади? *Нуқуқ ва бurch*. 2017. - № 7 – Б.51.
16. [https:// www.parliament.gov.uz](https://www.parliament.gov.uz)